ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУРСАНОВ ШОҲРУХ ЯШИНОВИЧ

$A(z)-$СУБГАРМОНИК ФУНКЦИЯЛАР ВА ГЁЛЬДЕР РЕГУЛЯРЛИК

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020 йил

УДК: 517.54

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУРСАНОВ ШОҲРУХ ЯШИНОВИЧ

$A(z)-$СУБГАРМОНИК ФУНКЦИЯЛАР ВА ГЁЛЬДЕР РЕГУЛЯРЛИК

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020 йил

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/FM192 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://ik-fizmat.nuu.uz/) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (http://www.ziyonet.uz/) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Садуллаев Азимбой** физика-математика фанлари доктори, академик
Расмий оппонентлар:	**Имомназаров Холматжон Худойназарович** физика-математика фанлари доктори,етакчи илмий ходим (Россия)
	Рахимов Абдуғофур Абдумаджитович физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «____» ____________ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998 71) 227 12 24, факс: (+998 71) 246 53 21, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998 71) 246 02 24).

Диссертация автореферати 2021 йил «____» ____________ куни тарқатилди.
(2021 йил «____» ____________ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.Хажиев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси ўринбосари,
ф.-м.ф.д., профессор, академик

Н.К.Мамадалиев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.ф.д.(PhD)

Р.Н.Ғаниходжаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси,
ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда комплекс ўзгарувчили функциялар, квазиконформ акслантиришлар ва $A(z)-$ аналитик функциялар назариясига боғланган. Квазиконформ акслантиришлар ва $A(z)-$аналитик функциялар комплекс анализнинг мухим, жадал ривожланаётган қисмларидан биридир.

Борел ўлчовлари назарияси, потенциаллар назарияси ҳамда Рисс типида ифодаланишлар $A(z)-$гармоник ва $A(z)-$субгармоник функцияларни ўрганишда асосий усуллардан бўлиб, комплекс динамик системалар назариясида экстремал функцияларнинг узлуксизлиги ва Гёлдер узлуксизлиги муаммоларини ҳал этишда, Жюлиа тўпламларининг регулярлиги масалаларида муваффақият билан қулланилмоқда. Полином ва рационал функциялар динамикасида Фату ва Жюлиа тўпламлари хоссаларини ўрганиш, комплекс динамик системалар назариясининг асосий йўналишларидан биридир.

Қаралаётган диссертация иши $A(z)-$аналитик функциялар асосида $A(z)-$гармоник функциялар синфини ўрганиш, $A(z)-$гармоник функцияларнинг геометрик хоссаларини келтириб чиқариш, шу билан бирга $A(z)-$субгармоник функциялар синфида потенциаллар назариясини яратиш, ҳамда $A(z)-$гармоник улчов ва унинг Гёлдер регулярлигини ўрганиш усулларини ишлаб чиқишга бағишланган. Бу йўналишида бажарилаётган улкан илмий изланишлар мазкур диссертация мавзусининг долзарблигини изоҳлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 292-сонли қарорида “Алгебра ва функциялар назарияси, дифференциал тенглама ва математик физика, динамик тизимлар назарияси, геометрия ва топология, эҳтимоллик назарияси ва математик статистика, амалий математика ва математик моделлаштириш математика фанларининг устувор йўналишлари бўйича ҳалқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари” этиб белгиланди[1]. Қарорнинг ижросини таъминлашда потенциаллар назарияси, квазиконформ акслантиришлар ва комплекс динамик системаларда юзага келаетган масалаларни хал этишда $A(z)-$субгармоник функциялар ва Гёльдер маъносида регулярлик хоссалари муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 292-сон қарори

тўғрисида»ги ПҚ-2789-сонли Қарори, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли Қарори, 2019 йил 9 июлдаги «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4387-сонли Қарори ва 2020 йил 7 майдаги «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4708-сонли Қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таниқли олим Г.Грёч томондан асос солинган квазиконформ акслантришлар назариясини М.А. Лаврентьев ва Л. Альфорслар томонидан математик физика ва механика масалаларига тадбиқ қилишлари бу йўналишни кенг кўламда ривожланишига олиб келди.

Текисликдаги квазиконформ акслантиришлар назариясини ўрганиш Бельтрами тенгламасининг ечими билан чамбарчас боғланган. Квазиконформ акслантришлар назарияси ва Бельтрами тенгламаси XX аср ўрталарида Америкалик олимлар Л.Альфорс, А.Беринг, Ф.В.Геринг, Россиялик олимлар М.А.Лаврентьев, И.Н.Векуа, П.П.Белинский, Ю.Г.Решетняк, В.И.Миклюков, В.А.Зорич, П.М.Тамразов, С.Л. Кружкаль, А.В.Сычёв, И.П.Митюков, Г.Д.Суворов, В.В.Асеевларнинг фундаментал ишларида ўз аксини топган; Ўзбекистонлик олимлар Л.И.Волковиский, М.Захиров, А.Ахмедов, Г.М.Лян, Э.Х.Якубов, А.К.Варисов ва бошқалар томонидан ривожлантирилган.

$A(z)-$ аналитик функциялар назарияси эса ўтган асрнинг 90 йилларидан В.Гутлянский, Д.А. Ковтонюк, И.В. Петков, В.И. Рязанов, Р.Р. Салимов (Украина), Ю.Сребро, Э.Х.Якубов (Исроиль), А.Н.Кондрашов, А.Л.Бухгейм, С.Г.Казанцевлар (Россия) томонидан жадаллик билан ўрганилиб келинмоқда. Агар квазиконформ акслантиришлар гомеоморфизимнинг геометрик хусусиятлари билан боғлиқ бўлса, $A(z)-$ аналитик функциялар назариясида функционал хоссалар, силлиқлик, сингуляр нуқталар, интеграл формулалар ва бошқалар муҳумдир. Бу хусусиятлар тиббий ва геологик томографик масалаларда қўлланилишда муҳим ахамиятга эга.

Узбекистонда 2010 йилдан бошлаб Ўзбекистон Миллий университети математик анализ кафедрасида академик А.Садуллаев рахбарлигида унинг ўқувчилари Н.М.Жабборов, Т.У.Отабоев, Ш.Я.Хурсанов ва бошқалар томонидан $A(z)-$аналитик функцияларнинг функционал хоссалари ўрганила бошланди. Натижада Коши ядросининг аналоги, Шварц ва Пуассон формулалари, $A(z)-$гармоник ва $A(z)-$субгармоник функцияларнинг қатор хоссалари исботланди. Кафедрада ўрганилаётган яна бир муҳим муоммолардан бири бу $P-$улчовнинг регулярлиги, унинг Гёлдер регулярлик муоммосидир. Польшалик етакчи математик олим Й.Сичак $P-$улчов ва гармоник улчов билан аниқланадиган сиғим ёрдамида тўпламларнинг Гёльдер регулярлигини тадқиқ этган бўлиб, диссертант томонидан бу масала $A(z)-$субгармоник функциялар синфи учун ҳал қилинди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ОТ-Ф-1-116 «$A(z)-$ аналитик функцияларнинг функционал хоссалари ва уларнинг тадбиқлари. Матрицавий сохаларда комплекс анализнинг баъзи масалалари» (2016-2020 йиллар) мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади $A(z)-$гармоник функциялар учун Лаплас типидаги операторни қуриш, $A(z)-$субгармоник функциялар учун Рисс типидаги ифода ва Пуассон интеграл формуласини исботлаш ҳамда $A(z)-$гармоник ўлчовнинг Гёльдер узлуксизлик шартини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

$-A(z)-$гармоник функциялар учун Лаплас типидпги операторни қуриш;

$-A(z)-$гармоник функциялар учун Пуассон интеграл формуласини исботлаш;

$-$умумлашган $A(z)-$гармоник функциясини регуляр $A(z)-$гармоник функция бўлишлигини исботлаш;

$-$нормал $A(z)-$гармоник функциялар оиласини ўрганиш;

$-$силлиқ функциялар ёрдамида $A(z)-$субгармоник функцияларни апроксимациялаш;

$-A(z)-$гармоник улчовнинг Гёлдер узлуксизлиги шартини бериш.

Тадқиқотнинг объекти $A(z)-$гармоник функциялар, умумлашган $A(z)-$гармоник функциялар, интеграл ифодалаш ҳақидаги Рисс теоремаси, $A(z)-$субгармоник функциялар, компакт тўпламнинг Гёльдер регулярлиги кабилардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети$-$Бельтрами тенгламаси, $A(z)-$лапласиан, $A(z)-$гармоник ва $A(z)-$субгармоник функциялар, Пуассон интеграл формуласи, Рисс ифодалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида ҳақиқий ва аналитик функциялар назарияси, классик потенцияллар ва плюрипотенциаллар назарияси, квазиконформ акслантришлар ва $A(z)-$ аналитик функциялар назарияси услубларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

$-A(z)-$гармоник функциялар учун Лаплас типидаги оператор қурилган;

$-A(z)-$гармоник функциялар учун Пуассон интеграл формуласи исботланган;

$-$умумлашган $A(z)-$гармоник функциясини регуляр $A(z)-$гармоник функция бўлишлиги исботланган;

$-$нормал $A(z)-$гармоник функциялар оиласи учун текис яқинлашиш хоссалари ўрганилган;

$-$силлиқ функциялар ёрдамида $A(z)-$субгармоник функцияларни апроксимациялаш мумкинлиги исботланган;

$-A(z)-$гармоник улчовнинг Гёлдер узлуксизлик шарти аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Диссертация ишида исботланган Пуассон интеграл формуласи ва интеграл кўринишдаги Рисс теоремаси эллиптик типдаги чегаравий масалаларни ва математик физик тенгламаларни ечишда қўллашдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация натижаларини исботлашда математик физика, потенциаллар назарияси, плюрипотенциаллар назарияси ва кўп комплекс ўзгарувчили функциялар назарияси услубларидан фойдаланилганлиги математик қатиятликни ифодалайди. Бундан ташқари олинган диссертация натижаларини ишончлилиги импакт-факторга эга ва нуфузли илмий журналларда чоп этилган ҳамда Халқаро ва Республика конференцияларида маъруза қилинганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий ахамияти шундан иборатки, олинган натижалардан компакт тўпламнинг регулярлигини ўрнатишда ва комплекс динамик системаларида Жюлиа тўпламини ўрганишда, $P-$ўлчовнинг Гёлдер узлуксизлигини исботлашда фойдаланиш мумкин. Шунингдек олинган натижалардан математик физика ва механика масалаларидаги тенгламаларнинг ечимларини ўрганиш учун фойдаланиш мумкин.

Диссертация тадқиқоти жараёнида олинган натижаларнинг амалий ахамияти шундан иборатки у компьютер томографияси ва жисмлар ишқаланиш коэффицентини ҳисоблашда, механика ва математик физиканинг соҳа чегарасида берилган маълумотларга кўра соҳа ичидаги маълумотларни тиклаш муоммоларида қуланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

$-$Диссертасиясида таклиф қилинган $A(z)-$гармоник функциялар учун Лаплас типидаги операторлар ва $A(z)-$гармоник функциялар учун Пуассон формулалари AP05133873 ”Эллиптик операторларнинг каср даражага эга бўлган математик моделлар учун ночизиқли тескари масалаларни ечишда параллел алгоритмлар ва ҳисоблаш усулларининг гравиметрияда қўлланиши“ мавзудаги фундаментал тадқиқотлар лойиҳасида гравиметриядаги бўлимларнинг сиртларини тиклаш учун тўғри ва тескари масалаларни ечишда тадбиқ этилган (Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан вазирлиги Қўмитасининг 2020 йил 13 ноябрдаги 565-сонли маълумотномаси). Хусусан, натижаларнинг қўлланилиши регуляризацияланган қўшма градиент усулининг регуляризация параметрини танлашнинг эмпирик формуласини аниқлаш имконини берган.

$-$Умумлашган $A(z)-$гармоник функцияси ва регуляр $A(z)-$гармоник функцияларнинг умумлашган ифодаси ёрдамида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети томонидан 2018-2019 йилларда баажарилган MRU-OT-1/2017 “Нелокальные краевые и обратные задачи для неклассических дифференциальных и операторно-дифференциальных уравнений” гранти лойихасида учинчи тартибли тенгламани ечишда қўлланган. Хусусан ишидан бош қисмида Лаплас оператори қатнашган аралаш-қўшма типдаги учинчи тартибли тенгламалар учун нолокал бошланғич-чегаравий масалалар ечимининг хоссалари исботлаш имконини берган.

Ш.Я.Хурсанов кўрсатилган бу иккита грантда иштирок қилмаган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган. Шунингдек, олинган натижалар Ўзбекистон Миллий университети математик анализ кафедраси ҳузуридаги “Функциялар назарияси” Республика илмий семинарда (раҳбари: академик А. Садуллаев) бир неча бор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси В.И.Романовский номидаги Математика институти, "Дифференциал тенгламалар ва уларнинг татбиқлари" илмий лабораториясининг "Математик физиканинг замонавий муаммолари" илмий семинарида, (раҳбарлари: академик Ш.А.Алимов, профессор Р.Р.Ашуров), В.И.Романовский номидаги Математика институти Хоразм вилояти бўлинмаси ва Урганч Давлат университети “Математик таҳлил” кафедрасининг “Комплекс потенциаллар назарияси ва унинг татбиқлари” бирлашган илмий семинарида (раҳбари: профессор С. Имомкулов), Илмий кенгаш ҳузуридаги “Математик анализ бўйича илмий семинарда” (профессор Р.Н.Ғаниходжаев) мухокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, улардан 5 таси Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан, 2 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисм, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссетациянинг ҳажми 80 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмда диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Дастлабки маълумотлар**» деб номланувчи биринчи бобида диссертация учун зарур бўлган, $A(z)-$аналитик функциялар ва классик субгармоник функциялар назариясидаги асосий натижалар, таърифлар ва теоремалар келтириб ўтилган. 1.1-параграфда $A(z)-$ аналитик функциялар бўйича баъзи теоремалар ва таърифлар А.Садуллаев ва Н.М.Жабборовларнинг СФУ журналида чоп қилинган фундаментал мақоласидан олинган бўлиб, 1.2 ва 1.3- параграфлардаги керакли натижалар А.Садуллаевнинг “Плюрипотенциаллар назарияси” монографиясидан олинди.

Квазиконформ акслантиришлар назарияси ушбу Бельтрами тенгламаси

$$\bar{D}_A f(z) := \frac{\partial f(z)}{\partial \bar{z}} - A(z)\frac{\partial f(z)}{\partial z} = 0 \qquad (1)$$

ечими билан таърифланадиган аналитик функциялар назариясига бағишланган. Умумий холда $A(z)$ функцияси улчовли ва қаралаётган $D \subset \mathbb{C}$ соханинг деярли барча нуқталарида $|A(z)| \le C < 1$шартини қаноатлантиради деб фараз қилинади. Адабиётларда (1) тенгламанинг ечими $A(z)-$*аналитик функция деб аталади.*

Қаралаетган диссертацияда биз $D \subset \mathbb{C}$ сохада $A(z)-$антианалитик функция, $\partial A = 0,\ |A(z)| \le C < 1,\ \forall z \in D$ ўринли бўлсин деб фараз қиламиз. У ҳолда (1) га кўра $A(z)-$ аналитик функциялар синфи $f \in O_A(D)$ ушбу $\bar{D}_A f = 0$ тенглама ёрдамида характерланади. Шундай қилиб, антианалитик функциялар чексиз силлиқ бўлганлигидан $O_A(D) \subset C^{\infty}(D)$ эканлиги келиб чиқади.

Теорема 1. (Коши теоремасининг аналоги). *Агар* $f \in O_A(D) \cap C(\bar{D})$ *бўлса, бунда* $D \subset \mathbb{C} -$ ∂D *тўғриланувчи чегарадан иборат соҳа бўлса, у ҳолда* $\int\limits_{\partial D} f(z)\left(dz + A(z)d\,\bar{z}\right) = 0$ *бўлади.*

Айтайлик, $D \subset \mathbb{C}$ қаварик соҳа ва ва $\xi \in D-$ фиксирланган нуқта бўлсин. У ҳолда $\psi(z,\xi) := z - \xi + \overline{\int\limits_{\gamma(\xi,z)} \bar{A}(\tau)d\tau} \in O_A(D)$ функция ички акслантиришни амалга оширади. Хусусан, ушбу $L(\xi,r) = \left\{ z \in D:\ |\psi(z,\xi)| = \left| z - \xi + \overline{\int\limits_{\gamma(\xi,z)} \bar{A}(\tau)d\tau} \right| < r \right\}$ тўплам D да очиқ бўлиб, етарлича кичик $r>0$ учун у Dда компакт ётади ва ξ нуқтани ўз ичига олади. $L(\xi,r)$ га маркази ξ бўлган $A-$*лемниската дейилади*. Қуйидаги функцияни қараймиз:

$$K(z,\xi)=\frac{1}{2\pi i}.\frac{1}{z-\xi+\overline{\int\limits_{\gamma(\xi,z)}\overline{A}(\tau)d\tau}}, \tag{2}$$

бу ерда $\gamma(\xi,z)-\xi,z\in D$ нуқталарни туташтирувчи силлиқ чизиқ. D соҳа бир-боғламли соҳа ва $\overline{A}(z)-$ голоморф функция бўлганлиги сабабли, $I(z)=\int\limits_{\gamma(\xi,z)}\overline{A}(\tau)d\tau$ интеграллаш йўлига боғлиқ бўлмайди ва бошланғич функция билан устма-уст тушади $I'(z)=\overline{A}(z)$.

Теорема 2. (Коши формуласининг аналоги). *Айтайлик, $D\subset\mathbb{C}-$қавариқ соҳа ва $G\subset D-$чегараси бўлакли силлиқ ихтиёрий қисм соха бўлсин. У ҳолда ихтиёрий $f(z)\in O_A(G)\cap C(\overline{G})$ функция учун қуйидаги формула ўринли*

$$f(z)=\int\limits_{\partial G}K(\xi,z)f(\xi)\big(d\xi+A(\xi)d\overline{\xi}\big),\ z\in G. \tag{3}$$

Диссертациянинг «$A(z)-$**Гармоник функциялар**» деб номланувчи иккинчи боби, классик анализнинг энг нафис ва долзарб йўналишларидан биридир. Гармоник функциялар назарияси, тадқиқот усуллари анализнинг бошқа сохалари ва эллиптик типдаги хусусий ҳосилали дифференциал тенгламаларнинг умумий назарияси билан боғлиқ қатор муомоларни ечишда намуна бўлиб хизмат қилади. Ушбу бобда биз гармоник функциялар назариясини ривожлантириб $A(z)-$гармоник функциялар синфини киритамиз ва ўрганамиз.

Теорема 3. *$f\in O_A(D)$, $A(z)-$аналитик функциянинг $u(z)$ хақиқий қисми D соҳада қуйидаги тенгламани қаноатлантиради*

$$\Delta_A u:=\frac{\partial}{\partial z}\left[\frac{1}{1-|A|^2}\left[(1+|A|^2)\frac{\partial u}{\partial\overline{z}}-2A\frac{\partial u}{\partial z}\right]\right]+\frac{\partial}{\partial\overline{z}}\left[\frac{1}{1-|A|^2}\left[(1+|A|^2)\frac{\partial u}{\partial z}-2\overline{A}\frac{\partial u}{\partial\overline{z}}\right]\right]=0. \tag{4}$$

Ва аксинча, агар $D-$бир боғламли соҳада, $u\in C^2(D)$ икки марта дифференциялланувчи ва (4) тенгламани қаноатлантирувчи функция бўлса, у ҳолда шундай $f\in O_A(D)$ мавжудки $u=\operatorname{Re}f$ бўлади.

3-теоремадан келиб чиқиб $A(z)-$*гармоник* функцияни қуйидагича таърифлаш мумкин.

Таъриф 1. *Агар $D-$бир боғламли соҳада икки марта дифференциялланувчи $u\in C^2(D)$, $u:D\to R$, функция D нинг барча нуқталарида (4) тенгламани қаноатлантирса, у ҳолда функция D соҳада $A(z)-$гармоник функция дейилади.*

D сохадаги барча $A(z)-$гармоник функциялар синфини $h_A(D)$ билан белгилаймиз.

Шундай қилиб, оператор Δu гармоник функциялар назариясида қандай ўрин тутса оператор $\Delta_A u$ ҳам $A(z)-$ гармоник функцияларда шундай ахамиятга эга. 4-теоремадан келиб чиқадики, D соҳадаги $A(z)-$аналитик функцияларнинг хақиқий ва мавҳум қисмлари $A(z)-$гармоник функциялар бўлади.

Теорема 4 (ўрта қиймат ҳақида**).** *Агар D қавариқ соҳа, $u(z)$ функция $L(a,R)\subset D$ лемнискатада $A(z)-$гармоник бўлса, у ҳолда ҳар қандай $r<R$ учун қуйидаги ифодалар ўринли бўлади*

$$u(z)=\frac{1}{2\pi r}\oint\limits_{|\psi(z,\xi)|=r} u(\xi)\left|d\xi+A(\xi)d\bar{\xi}\right|, \tag{5}$$

$$u(z)=\frac{1}{\pi r^2}\iint\limits_{|\psi(z,\xi)|\le r} u(\xi)\left(1-|A(\xi)|^2\right)\frac{d\xi\wedge d\bar{\xi}}{2i}. \tag{6}$$

Маълумки, классик Пуассон формуласи гармоник функциялар синфида Дирихли масаласининг содда ва муҳим ечимларидан бири ҳисобланади. G соҳа $G=L(a,\mathrm{R})$ лемниската бўлганда қуйидаги теорема ўринли бўлади:

Теорема 5. ($A(z)-$гармоник функция учун Пуассон формуласининг аналоги). *Агар $\varphi(\xi)$ функция $L(a,R)\subset D$ лемниската чегарасида узлуксиз бўлса, у ҳолда қуйидаги функция*

$$u(z)=\frac{1}{2\pi R}\oint\limits_{|\psi(a,\xi)|=R}\varphi(\xi)\frac{R^2-|\psi(a,z)|^2}{|\psi(\xi,z)|^2}\left|d\xi+A(\xi)d\bar{\xi}\right| \tag{7}$$

$L(a,\mathrm{R})$ *соҳада Дирихли масаласининг ечими бўлади.*

(7) формула $A(z)-$гармоник функция учун Пуассона формуласининг аналоги дейилади.

Натижа 1. ($A(z)-$аналитик функция учун Шварц формуласи**).** *Айтайлик,* $L(a,R)\subset\subset D$ *ва* $f\in O_A\left(L(a,R)\right)\cap C\left(\bar{L}(a,R)\right)$, $\operatorname{Re} f(\xi)=\varphi(\xi),\ \xi\in\partial L(a,R)$, *бўлсин. У ҳолда*

$$f(z)=\frac{1}{\pi i}\oint\limits_{|\psi(\xi,a)|=r}\frac{\varphi(\xi)\left(d\xi+Ad\bar{\xi}\right)}{\psi(\xi,z)}-\bar{f}(a). \tag{8}$$

формула ўринли бўлади.

Бу формула $\partial L(a,R)$ даги $\operatorname{Re} f(\xi)=\varphi(\xi)$ бўйича $A(z)-$аналитик функцияни тиклаш мумкинлигини биладиради.

Ҳар қандай функция $\psi(z)\in L^1_{loc}(D)$

$$(\psi,\varphi)=\psi(\varphi)=\iint_D \psi(z)\varphi(z)\frac{dz\wedge d\overline{z}}{2i},$$

формулга нисбатан умумлашган функцияни аниқлайди, бунда $\varphi\in F(D):=\{\varphi\in C^{\infty}(D):\operatorname{supp}\varphi\subset\subset D\}$. Агар $u-$икки марта дифференцияланувчи функция бўлса, у ҳолда $\Delta_A u(\varphi)$ функция ҳам худди шу тарзда умумлашган функцияни аниқлайди:

$$\Delta_A u(\varphi)=\iint_D \Delta_A u(z)\varphi(z)\frac{dz\wedge d\overline{z}}{2i},\ \varphi\in F(D).$$

Бошқа томондан $\Delta_A u(\varphi)=u(\Delta_A\varphi)$ ўринли, яъни

$$\iint_D \Delta_A u(z)\varphi(z)\frac{dz\wedge d\overline{z}}{2i}=\iint_D u(z)\Delta_A\varphi(z)\frac{dz\wedge d\overline{z}}{2i},\ \varphi\in F(D). \qquad (9)$$

(9) формула ёрдамида умумлашган $A(z)-$гармоник функцияга қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Таъриф 2. *Агар умумлашган* $u\in F^{*}(D)$ *функция учун* $\Delta_A u(\varphi):=u(\Delta_A\varphi)=0,\forall\varphi\in F(D)$ *тенглик ўринли бўлса у ҳолда* $u\in F^{*}(D)$ *умумлашган маънода* $A(z)-$*гармоник функция дейилади.*

Теорема 6. *Агар умумлашган функция* $u\in F^{*}(D)$ *умумлашган маънода* $A(z)-$*гармоник функция бўлса, у ҳолда у регуляр* $A(z)-$*гармоник функция бўлади, яъни шундай* $g\in h_A(D)$ *функция мавжуд бўладики қуйидаги тенглик ўринли бўлади*

$$u(\varphi)=g(\varphi)=\frac{1}{2i}\iint_D g(z)\varphi(z)dz\wedge d\overline{z},\forall\varphi\in F(D).$$

Узлуксизлик функция учун $A(z)-$гармоник функция учун қуйидаги критерия мавжуд. Айтайлик, $D-$қаварик соҳа берилган бўлсин.

Теорема 7. $u(z)\in C(D)$ *функция учун қуйидаги тасдиқлар тенг кучли:*

1) $u\in h_A(D)$*;*

2) Ихтиёрий $z\in D$ *ва* $L(z,r)\subset\subset D$ *учун қуйидаги тенглик бажарилади*

$$u(z)=\frac{1}{2\pi r}\int_{|\psi(\xi,z)|=r} u(\xi)\left|d\xi+A(\xi)d\overline{\xi}\right|;$$

3) Ихтиёрий $z\in D$ *и* $L(z,r)\subset\subset D$ *учун қуйидаги тенглик бажарилади*

$$u(z)=\frac{1}{\pi r^2}\iint_{|\psi(\xi,z)|\le r} u(\xi)d\mu. \qquad (10)$$

Натижа 2. (Экстремум принципи**).** *Агар* $u \in h_A(D)$ *функция экстремумга* D *соҳа ичида эришса, у ҳолда* $u \equiv const$.

Натижа 3. *Дирихле масаласи*

$$\Delta_A u(z) = 0,\ z \in D,\ \ u \in h_A(D) \bigcap C(\bar{D}),\ \ u|_{\partial D} = \varphi,\ \ \varphi \in C(\partial D)$$

ягона ечимга эга.

Теорема 8. ($A(z)-$гармоник функции учун Гарнак теоремасининг аналоги). $u_j \in h_A(D)$ *монотон кетма-кетлик ёки* D *нинг ичида* ∞ *га текис яқинлашади, ёки* D *нинг ичида бирор* $A(z)-$*гармоник функция* $u \in h_A(D)$ *га текис яқинлашади.*

Нормал (компакт) функциялар оиласи функциялар назарияси ва функционал анализда мухим ўрин тутади. Аналитик ва гармоник функциялар оиласи учун нормаллик критерияси Монтел теоремаси сифатида маълум. $h_A(D)$ учун Монтел теоремасининг аналогини келтириб ўтамиз.

Теорема 9. *Айтайлик,* D *соҳада берилган* $U = \{u_\alpha : \alpha \in \Lambda\}$ $A(z)-$*гармоник функциялар оиласи* D *нинг ичида, яъни* D *дан олинган ҳарқандай компактда текис чегараланган бўлсин. У ҳолда уларнинг ҳосиласи ҳам* D *нинг ичида текис чегараланган бўлади ва* U *дан олинган ҳар қандай* $\{u_j\}$ *кетма-кетликдан* D *нинг ичида бирор* $A(z)-$*гармоник функцияга текис яқинлашувчи* $\{u_{j_m}\}$ *қисмий кетма-кетлик ажратиш мумкин.*

Диссертациянинг «$A-$***Субгармоник функциялар синфи***» деб номланувчи учинчи боби субгармоник функциялар назариясининг синфини кенгайтириш ва $A-$субгармоник функциялар синфида потенциаллар назариясини қуриш каби долзарб масалага бағишланган.

Таъриф 3. *Айтайлик,* $D \subset \mathbb{C}$ *соҳада* $u : D \to [-\infty; \infty)$ *функция қуйидаги икки шартни қаноатлантирсин:*

1) $u(z)$ *юқоридан ярим узлуксиз, яъни* $\forall z_0 \in D$ *учун қуйидаги тенгсизлик ўринли*

$$\overline{\lim_{w \to z_0}} u(w) \le u(z_0); \tag{11}$$

2) Ихтиёрий қавариқ қисм соҳа $G \subset D$ *учун ундан олинган ҳар бир* $\forall z_0 \in G$ *да шундай* $r(z_0) > 0$ *сон мавжудки, барча* $r < r(z_0)$ *лар учун қуйидаги тенгсизлик бажарилади*

$$u(z_0) \le \frac{1}{2\pi r} \oint_{|\psi(\xi, z_0)| = r} u(\xi) \left| d\xi + A(\xi) d\bar{\xi} \right|, \tag{12}$$

бунда, $G \subset D$ *қавариқ соҳада* $\psi(\xi, z_0) = \xi - z_0 + \overline{\int_{\gamma(\xi, z_0)} \bar{A}(\tau) d\tau}$ *функция мавжуд ва* z_0 *нуқтада ягона нолга эга.*

У ҳолда $u(z)$ функция D соҳада $A(z)-$ субгармоник функция дейилади.

D соҳада $A(z)-$субгармоник функциялар синфини $sh_A(D)$ билан белгилаймиз. Бундан ташқари, қулайлик учун $u\equiv-\infty$ функцияни ҳам $sh_A(D)$ синфга киритамиз.

Қаварик $D\subset\mathbb{C}-$соҳа берилган бўлсин. Фиксирланган $z_0\in D$ нуқтада $u\in sh_A(D)$ функция учун қуйидаги икки ўрта қиймат ҳақидаги ифодаларни қараймиз:

$$m_A(z_0,r,u)=\frac{1}{2\pi r}\oint\limits_{|\psi(z_0,\xi)|=r}u(\xi)\left|d\xi+A(\xi)d\bar{\xi}\right|,\ n_A(z_0,r,u)=\frac{1}{\pi r^2}\iint\limits_{|\psi(z_0,\xi)|\le r}u(\xi)\mu(\xi),$$

бунда $r\le r(z_0)$ ва $\mu(\xi)=\frac{1}{2i}\left(1-|A(\xi)|^2\right)d\xi\wedge d\bar{\xi}$.

Тасдиқ 1. *Айтайлик, $u\in sh_A(D)$ ва $u\ne-\infty$ бўлсин. У ҳолда $z_0\in D$ нуқта учун қуйидагилар ўринли:*

1) $u(z_0)\le n_A(z_0,r,u)\le m_A(z_0,r,u)$ $\forall r:L(z_0,r)\subset\subset D$;

2) $n_A(z_0,r,u)>-\infty$ $\forall r:L(z_0,r)\subset\subset D$;

3) $n_A(z_0,r,u),\ m_A(z_0,r,u)$ лар r аргумент бўйича монотон ва $r\downarrow 0$ да $n_A(z_0,r,u)\downarrow u(z_0)$, $m_A(z_0,r,u)\downarrow u(z_0)$.

Тасдиқ 2. (Субгармоник функцияни аппроксимациялаш). *$D\subset\mathbb{C}$ қаварик соҳада $u\in sh_A(D)$ берилган бўлсин, у ҳолда шундай монотон ўсувчи очиқ тўпламлар кетма-кетлиги $D_j\subset D_{j+1}\subset\subset D,\bigcup\limits_{n=1}^{\infty}D_j=D$ (D соҳанинг қопламаси) ва улар учун монотон камаювчи силлиқ $u_j\in sh_A(D_j)\cap C^\infty(D_j)$ функциялар кетма-кетлиги мавжудки $u_j\downarrow u$ бўлади.*

Қуйидаги теорема Δ_A оператор тилида $A(z)-$субгармоник функциялар критериясини беради.

Теорема 10. *$u\in C^2(D)$ функциянинг $A(z)-$субгармоник бўлиши учун $\Delta_A u\big|_D\ge 0$ тенгсизликнинг бажарилиши зарур ва етарли.*

Натижа 4. *Ҳар қандай $u\in sh_A(D)$, $u\not\equiv-\infty$, функция учун умумлашган функция $\Delta_A u(\varphi)$ мусбат бўлади.*

Навбатдаги тасдиқ $A(z)-$субгармоник функциялар синфида потенциаллар хоссасини ўрганиш учун мухимдир.

Тасдиқ 3. *Айтйлик, D қаварик соҳа бўлсин. У ҳолда $A(z)-$субгармоник функция $k(z,z_0)=\frac{1}{2\pi}\ln|\psi(z_0,z)|$ қуйидаги тенгламани умумлашган маъносида қаноатлантиради*

$$\Delta_A k(z,z_0)=\frac{\delta_{z_0}}{1-\left|A(z_0)\right|^2},\ z\in D,$$

яъни

$$\int_D \ln\left|\psi(z_0,z)\right|\Delta_A\varphi(z)\,dm(z)=\frac{2\pi\varphi(z_0)}{1-\left|A(z_0)\right|^2},\forall\varphi\in F(D),$$

бунда δ_{z_0} *– Дирак ўлчови.*

Теорема 11. (Рисс ифодасининг аналоги). *Ҳар қандай* $u\in sh_A(D),\ u\not\equiv-\infty,$ *функция учун D соҳада шундай* μ *борел ўлчови мавжудки ихтиёрий қавариқ* $D_0\subset\subset D$ *соҳада қуйидаги тенглик ўринли*

$$u(z)=\frac{1}{2\pi}\int_{D_0}\ln\left|\psi(z_0,z)\right|d\mu+h(z),\forall z\in D_0,$$

бунда $h\in h_A(D_0)$.

Қуйидаги натижа 6-Теоремани тўлдиради.

Натижа 5. *Агар умумлашган функция мусбат* $A(z)-$ *лапласианга эга бўлса, яъни*

$$\Delta_A u(\varphi):=u(\Delta_A\varphi)\geq 0,\forall\varphi\in F(D),\ \varphi\geq 0,$$

у ҳолда у бирор $A(z)-$*субгармоник функция билан ифодаланади, яъни*

$$\exists g\in sh_A(D):u(\varphi)=\frac{1}{2i}\iint_D g(z)\varphi(z)\,dz\wedge d\bar{z},\forall\varphi\in F(D).$$

Натижа 6. $u\in C(D)$ *функция* $A(z)-$*субгармоник бўлиши учун* $\Delta_A u(\varphi)\geq 0,\forall\varphi\in F(D),$*шартнинг бажарилиши зарур ва етарли.*

Айтайлик, D соҳа $A-$регуляр соҳа бўлсин, яъни шундай $\rho(z)\in sh_A(D)$: $\rho|_D<0$ ва $\lim\limits_{z\to\partial D}\rho(z)=0$ шартларни бажарадиган функция мавжуд бўлсин. Қуйидаги функциялар синфини қараймиз

$$U_A=U_A(E,D)=\left\{u\in sh_A(D):u|_E\leq-1,u|_D\leq 0\right\}$$

ва қуйидагича белгилаш киритамиз:

$$\omega_A(z,E,D)=\sup_{u\in U}u(z).$$

Таъриф 4. $\omega_A^*(z,E,D)=\overline{\lim_{w\to z}}\,\omega_A(w,E,D)$ *регуляризация E тўпламни D га нисбатан* $A(z)-$*гармоник ўлчов дейилади.*

Айтайлик, $K\subset D-$компакт бўлсин.

Таъриф 5. *Агар* $z_0 \in K$ *нуқта учун* $\omega_A^*(z_0, K, D) = -1$ *тенглик ўрили бўлса, у ҳолда бу нуқта* $A(z)-$*регуляр нуқта дейилади, акс ҳолда* z_0 *нуқтага* $A(z)-$ *иррегуляр нуқта дейилади.*

Агар компакт K *даги ҳар бир* $z_0 \in K$ *нуқтада* $A(z)-$*регуляр бўлса, у ҳолда* K *компакт* $A(z)-$*регуляр дейилади.*

Агарда $\omega_A^*(z, K, D)$ *функция* D *да Гёльдер узлуксиз,* $\omega_A^*(z, K, D) \in H_\alpha(D),\ 0 < \alpha \le 1,$ *яъни агар* $\exists M > 0:$

$$\left|\omega_A^*(z', K, D) - \omega_A^*(z'', K, D)\right| \le M \cdot |z' - z''|^\alpha, \ \forall z', z'' \in D$$

бўлса, регуляр компакт $K \subset D$ *Гёльдер регуляр компакт дейилади.*

Шуни алохида таъкидлаймизки, компакт K ни регулярлигидан $\omega_A^*(z, K, D)$ функцияни D да узлуксизлиги, $\omega_A^*(z, K, D)|_K = -1$ бўлишлиги келиб чиқади.

Ихтиёрий регуляр $E \subset D$ компактни фиксирлаб, қуйидагича сиғим қийматини киритамиз

$$c_A(K, E, D) := -\sup_{z \in E} \omega_A(z, K, D).$$

Тўплам функция $c_A(K, E, D)$ га $K \subset D$ тўпламнинг E га нисбатан $A(z)-$*сиғими дейилади.* Шуни таъкидлаб ўтамизки, K компакт $A(z)-$поляр тўплам, яъни $\exists u \in sh_A(D): u\big|_K \equiv -\infty, u\big|_G \ne -\infty$ бўлиши учун $c_A(K, E, D) = 0$ бўлиши зарур ва етарли.

Фараз қилайлик, $G \subset D-$бирор қаварик соҳа бўлиб, $K \subset L(z_0, r) \subset L(z_0, R) \subset G$ бўлсин. Қуйидаги функцияни аниқлаймиз

$$c(t) = c(t, z_0) := c_A\left(K \cap L(z_0, t), L(z_0, rt), L(z_0, Rt)\right), 0 \le t \le r.$$

Қуйидаги лемма компакт тўплам учун унинг $A(z)-$Гёльдер регулярлигини ўрганишда мухим ахамиятга эга.

Лемма. *Агар* $q \le \dfrac{r}{R}$ *ва* $R > 1$ *бўлса, у ҳолда қуйидаги*

$$\omega_A\left(z, K \cap \overline{L}(z_0, q^j), L(z_0, Rq^j)\right) \le -1 + e^{-c(q^j) - c(q^{j+1}) - \ldots - c(q^{j+k})}, \forall z \in L\left(z_0, rq^{j+k}\right), \quad (13)$$

тенгсизликлар ўринли, бу ерда $j, k = 1, 2, 3, \ldots.$

Натижа 7. *Агар* $z_0 \in K$ *нуқта учун*

$$\sum_{j=1}^{\infty} c(q^j, z_0) = \infty$$

бўлса у ҳолда z_0 нуқта K *компактда* $A(z)-$*регуляр нуқта бўлади.*

Қуйидаги теорема компактни Гёльдер регулярлигини ифодалайди.

Теорема 12. *Агар* $z_0 \in K$ *учун барча* $j = 1, 2, \ldots$ *лар учун* $c\left(q^j, z_0\right) \geq m > 0$ *бўлса, у ҳолда* $\omega_A\left(z, K, G\right)$ *функция* z_0 *нуқтада Гёльдер узлуксиз бўлади. Бошқача айтганда,*

$$\left|\omega_A\left(z, K, G\right) - \omega_A\left(z^0, K, G\right)\right| = \left|\omega_A\left(z, K, G\right) + 1\right| \leq M\delta^{\gamma} \ \ \forall z \in L\left(z_0, \delta\right),\ 0 < \delta \leq \delta_0,$$

бўлиб, бунда $\gamma = m / \ln\frac{1}{q}$ *ва* $M - const.$

ХУЛОСА

Ушбу диссертатцияда $A(z)-$гармоник ва $A(z)-$субгармоник функцияларни бир қанча хоссалари, ҳамда Гёльдер регулярлик шарти ўрганилган. Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

$-\,A(z)-$гармоник функциялар учун Лаплас типидаги операторининг ошкор кўриниши аниқланган;

$-\,A(z)-$гармоник функциялар учун Пуассоннинг интеграл формуласи исботланган;

$-$ихтиёрий $A(z)-$субгармоник функцияларни силлиқ $A(z)-$субгармоник функциялар ёрдамида апроксимациялаш мумкинлиги кўрсатилган;

$-\,A(z)-$субгармоник функциялар учун Рисс формуласи исботланган;

$-\,A(z)-$субгармоникликни аниқлашнинг $A(z)-$ Лаплас типидаги қулай мезони топилган;

$-\,A(z)-$гармоник ўлчовнинг қатор хоссалари исботланган;

$-$ компактнинг Гёльдер регулярлигининг етарли шарти аниқланган.

Умуман олганда олинган натижаларни диссертация тадқиқотининг мақсадларига мувофиқ деб ҳисоблаш мумкин.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ХУРСАНОВ ШОХРУХ ЯШИНОВИЧ

$A(z)-$ СУБГАРМОНИЧЕСКИЕ ФУНКЦИИ И РЕГУЛЯРНОСТИ ГЁЛЬДЕРА

01.01.01 – Математический анализ

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2020 год

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.1.PhD/FM192.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана им. Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (http://ik-fizmat.nuu.uz/) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (http://www.ziyonet.uz/).

Научный руководитель:	**Садуллаев Азимбой** доктор физико-математических наук, профессор, академик
Официальные оппоненты:	**Имомназаров Холматжон Худойназарович** доктор физико-математических наук, ведуший научный сотрудник (Россия)
	Рахимов Абдуғофур Абдумаджитович доктор физико-математических наук, профессор
Ведущая организация:	Ургенчский государственный университет

Защита диссертации состоится «____» ____________ 2021 года в ____ на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+998 71) 227 12 24, факс: (+998 71) 246 53 21, e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за №____). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+998 71) 246 02 24).

Автореферат диссертации разослан «____» ____________ 2021 года.
(протокол рассылки №____ от «____» ____________ 2021 года).

Дж.Хаджиев
Зам председателя научного совета
по присуждению ученых
степеней, д.ф.-м.н., профессор

Н.К.Мамадалиев
Ученый секретарь Научного
совета по присуждению ученых
степеней, д.ф.ф.-м.н. (PhD)

Р.Н.Ганиходжаев
Председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению ученых
степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Многие теоретические и прикладные исследования, проводимые на мировом уровне в комплексном анализе, в теории потенциала, в комплексной теории динамических систем, а также в томографиях сводится к свойствам квазиконформных отображений и $A(z)-$аналитических функций. Квазиконформные отображения и $A(z)-$аналитические функции составляют важный раздел комплексного анализа.

Использование теории борелевских мер и обобщенных функций в теории потенциала, представление типа Рисса является мощным аппаратом исследования $A(z)-$гармонических и $A(z)-$субгармонических функций, успешно применяется в проблемах Гёльдер непрерывностей экстремальных функций, имеет важные применения в описаниях регулярных компактов и множеств Жюлиа в теории динамических систем и несомненно, является актуальной задачей современной математики.

В настоящее время изучение функциональных свойств $A(z)-$аналитических функций остается одной из важных задач теории функций комплексных переменных. Одним из главных вопросов в современной математике является изучение класса $A(z)-$гармонических функций и их свойств на основе $A(z)-$аналитических функций, совершенствование метода изучения геометрических свойств $A(z)-$гармонических функций, в связи с этим, особое внимание уделяется целевым исследованиям, в том числе изучению класса $A(z)-$субгармонических функций, развитию теории потенциалов в классе $A(z)-$субгармонических функций, а также методам изучения $A(z)-$гармонических измерений и Гёльдер регулярности. Вышеупомянутое исследование в этом направлении объясняет актуальность данной темы диссертации.

В нашей стране особое внимание уделяется развитию указанных разделов математического анализа, имеющих научное и практическое применение в различных фундаментальных науках. Они определены как «Основные задачи и направления деятельности проведения исследований на уровне международных стандартов в области ведущих направлений: алгебра и теория функций, дифференциальное уравнение и математическая физика, геометрия и топология, теория вероятностей и математическая статистика, прикладная математика и моделирование»[2]. В решении различных задач комплексных динамических систем, теории потенциалов и квазиконформных отображений особое место занимает $A(z)-$ субгармонические функции и

[2] Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 мая 2017 года №292 «О мерах по организации деятельности вновь созданных научно-исследовательских учреждений Академии наук Республики Узбекистан».

регулярности компактов Гёльдера.

